

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ

**“Таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан
фойдаланиш”(3-синф ўқиш дарси мисолида) мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Бошланғич таълим ва
спорт тарбиявий иш” таълим
йўналиши битирувчи 4 курс
талабаси Ғофурова Л.

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Ўқитувчи Холов О.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённомаси “_____” _____ 2014 йил

ТЕРМИЗ – 2014

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

(3-синф ўқиш дарси мисолида)

Режа:

Кириш.

I-Боб. Таълимда педагогик технологияларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари.

I.1. Таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг моҳияти.

I.2. Ўйинли технологиялар ҳақида мутафаккирларнинг қарашлари.

I.3. 3-синф ўқиш дарсларида ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати.

II-Боб. Таълим жараёнида ўйин технологияларидан фойдаланиш усуллари ва шакллари

II.1. Ўйин технологияларининг шакл ва воситалари.

II.2. 3-синф ўқиш дарсларини ташкил этишда ўйин технологиялардан фойдаланиш усуллари.

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Илм-фан, техника ишлаб чиқариш ҳамда технология соҳаларида эришилаётган ютуқлар узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган таълим муассасалари учун янги авлод дарсликларини яратишни тақозо этмоқда. Бу каби ўқув манбаларининг яратилишига қўйилаётган талаблардан энг муҳими уларнинг мазмунида мавжуд илмий билимлар ўз ифодасини топибгина қолмай, шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг моҳияти ҳам очиб бериш саналади. Демократик ва ҳуқуқий жамият барпо этилаётган мавжуд шароитда ёш авлоднинг мустақил ва эркин фикрлай олиши рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга шахсий муносабатини билдиришга имкон беради. Ижтимоий борликда кечаётган ўзгаришларга нисбатан шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши шахс фаоллигини кўрсатувчи муҳим жиҳатларидан биридир. Қолаверса, мустақил фикр эгаси бўлган шахс ўз имкониятлари, қобилиятини эркин намоён эта олади. Муваффақиятли олиб борилаётган таълимий ислохотларнинг ҳам асосий мақсади эркин, мустақил фикрига эга баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир.

Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидагиларни эътироф этади: «Амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ҳар бир фуқаронинг шахс сифатида шаклланиши учун, ўз қобилиятини, ўз талантини ишга солиб ҳаётини янада яхшилаши, маънан бойитиши учун барча имкониятни яратиш беришдан иборатдир»¹.

XX аср кишилиқ жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга

¹ *Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. - Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 116-бет.*

ижтимоий муносабатларнинг янги мазмун касб этишини таъминлади. Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий, илғор, юксак технологияларнинг тадбиқ этилиши бир қатор шартлар асосида кечади, хусусан, илм-фан ҳамда техниканинг сўнгги ютуқларига таяниш, йирик молиявий маблағлар ва юксак даражадаги касбий маҳоратга эга малакали мутахассисларнинг мавжудлиги бу борадаги ютуқларни кафолатлайди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида илғор технологияларни қўллаш шартларидан бири - малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришга эришиш эканлигидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради. Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш аҳолининг маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Бу борада таълим самарадорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда.

Табиий равишда замонавий фан-техника ютуқларидан самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси мазкур фан олдига ҳам қўйилгандир. Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламини қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга

қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Оқилона ўқитиш модели тузилади, улар дидактик вазифаларни амалга оширишга имкон беради ва ўқитиш методлари, ташкил этиш шакллари, воситалари, педагогик усуллар тўпламидан иборат. Кўрсатиладиган қуроллар ва педагогик техник ўқув материалларига, ўқувчиларнинг шахсий қобилияти ва ривожланганлик даражасига уйғун бўлиши керак. Шунингдек, таълим муассасасининг модий баъзаси ҳисобга олиниши лозим. Дарсларнинг тузилмаси ўйлаб кўрилади ва қуйидагича амалга оширилади: таълим-тарбия ишининг ҳозирги ҳолатини диагностикалаш; назорат қилинадиган муҳим кўрсаткичларни ажратиб олиш; педагогик жараён ҳолатини жорий ва якуний назорат қилиш; ташхислаш ва назорат қилиш натижаларига асосан тесқари алоқа бўлаш усуллари ва воситаларини аниқлаш; таълим технологиясини амалга ошириш учун эҳтимолдан ҳоли бўлмаган ва унга халақит берувчи омиллар ташқи муҳит ва уларни бартараф этиш йўллари ўйлаб кўрилади.

Таълим технологияси асосида ўқув ахборотларининг мазмундорлигини таъминлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

- ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад, вазифалар билан ўқувчиларни олдиндан таништириш, муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил ишларни, уларни бажариш тартиби, пайтини эълон қилиш, мавзунини тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, эталон даражасида ўзлаштириш меъёрларини айтиб бериш;

- ўқувчиларнинг фаол, мустақил фаолиятини рағбатлантириш, болалар диққатини бўлим ёки мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўргатиш зарурлигини айтиб, билишга қизиқиш уйғотиш ўқиш-ўрганишга ҳавас, муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш. Эмоциялар, тафаккур ходисалари билимларни ўқув ҳолатларига тадбиқ этиш йўллари орқали мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотлар юзасидан жорий назоратни

ташқил этиш, мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгартириш, қўшимча, тузатишларни белгилаш;

- бўлим ёки мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш, чиқарилган хулосаларни мураккаб ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш. Оралиқ назорат натижаларига кўра мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида ўқувчилар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг билим, малакаси, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатларидаги камчилақларини кўрсатиш, синфнинг ҳар бир ўқувчисига яқуний назоратгача бажарадиган қўшимча топшириқлар бериш, болаларни ўқув материалларини янада атрофлича эталон даражасида ўзлаштиришга рағбатлантириш;

- яқуний назоратнинг асосий функцияси болаларнинг маълумот ва таълим мазмуни элементларини эталон даражасида ўзлаштиришларини аниқлаш, эталон даражасидан паст ўзлаштирган ўқувчиларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш ва ҳоказо.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мавзунинг бугунги кундаги долзарблиги тадқиқот иши мавзусини **“Таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланиш (3-синф ўқиш дарси мисолида)”** деб танлашга асос бўлди.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, шу орқали унинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти: Бошланғич синф таълим мактабларида ўйин технологияларидан фойдаланиш жараёни.

Битирув малакавий ишнинг предмети: Таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишнинг мазмуни, шакл ва методлари.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

- таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш;

- таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш;

- таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган бошланғич синф ўқиш дарсларининг самарадорлик даражасини аниқлаш ва бошланғич синфларда ўйин технологияларини қўллашга йўналтирилган амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг методлари: битирув малакавий ишимизда педагогик тадқиқотнинг педагогик таҳлил, қиёсий таҳлил, анкета, савол-жавоб, суҳбат, интервью, кузатиш, педагогик эксперимент каби усулларидан фойдаландик.

Битирув малакавий ишнинг методологик асослари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари; меъёрий ҳужжатлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқ ва маърузалари, асарлари, ўзбек халқ педагогикаси анъаналари, Педагогика фани концепцияси, педагогиканинг назарий асослари ва педагогик технологияларга яхлит ёндошиш, мавзуга оид илмий-педагогик, фалсафий манбалар ташкил қилади.

Битирув малакавий ишнинг илмий фарази. Агар:

- таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланиш аниқ педагогик шарт-шароитлар, муайян таълим мазмуни, воситалари, шакл ва методларига таянган ҳолда шакллантирилса;

- таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишда тажрибалардан унумли фойдаланилса;

- таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган педагогик жараён муайян тавсияларга таянган ҳолда ташкил этилса, ўйин технологияларидан фойдаланиш жараёни самарали бўлади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:

- таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишда тажрибалардан унумли фойдаланилиб,

- таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишнинг шакл ва методлари такомиллаштирилди,

- ҳамда, таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган бошланғич синф ўқиш дарсларининг самарадорлик даражаси аниқланди ва амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнингнинг илмий аҳамияти: Таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган назарий ёндошувлар, илмий-методик тавсиялар билан бойитилди.

Битирув малакавий ишнингнинг амалий аҳамияти: бошланғич синф ўқитувчиларига таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишга оид билимлари ва педагогик маҳоратларини оширишда ушбу битирув малакавий иш материалларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши кириш, 2 боб, 5 параграф, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат.

I-БОБ. Таълимда педагогик технологияларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари

1.2. Таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг моҳияти.

Илмий-техник тараққиёт нафақат аксарият ишлаб чиқариш соҳасинигина технологиялаштиради, балки у маданият, таълим соҳаларига ҳам кириб бормоқда. Бугунги кунда информаион ахборот тиббиёт, таълим ва бошқа технологиялар тўғрисида фикр юритиш мумкин. Технологизациялаш - бу объектив жараён бўлиб, таълим эволюциясининг янги вазифаларини сифатли ҳал қилиш учун тайёргарлик даври.

Тарихан **технология** тушунчаси техник тараққиёт билан боғлиқ равишда юзага келган ва бу тушунча санъат, ҳунар ва фан ҳақидаги таълмотга мувофиқ келади. Технология деганда, одатда ашёларни қайта ишлаш методлари ва ишлаб чиқариш жараёни ҳамда уларнинг илмий тавсифларининг мажмуи тушунилади. Сиёсий луғат (М., 1989)да технологияга шундай изоҳ берилади: 1) ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр ашёларни қайта ишлаш, тайёрлаш ҳолати, хусусияти, шаклининг ўзгариш методлари йиғиндиси; 2) ашёлар, материаллар ва ярим хом ашёларга мувофиқ ишлаб чиқариш қуроллари орқали таъсир ўтказиш усуллари тўғрисидаги фан.

«Қомусий луғат»да шунга яқин изоҳ берилади, лекин уни бирмунча кенгроқ ёритади: «Фан сифатида технологиянинг вазифаси ҳар томонлама самарали ва тежамли ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалиётда ундан фойдаланиш мақсадида физика, кимё, механика ва бошқа қонуниятларини бажариш.¹»

Технология грекча сўз бўлиб, **texnos-** санъат, маҳорат, **logos-** таълмот деган маъноларни билдиради. Педагогик технология

¹. Қомусий луғат. М.,1979

педагогнинг талабаларга таъсир қилишни ташкил этиш бўйича касбий аҳамиятга молик малакалар тизимини аниқлаб беради, педагогик фаолиятнинг технологиклигини англаш усулларини таклиф этади.

Ҳозирги давр таълим технологиялари муаммоси, педагогик инновация тажрибалари уларни бир тизимга тушириш ва аниқлаштиришни талаб қилади. Олий мактаб олдида педагогик технологияларнинг илмий асослари, уларнинг таснифи, моҳиятини очиқ бериш ва ўқув жараёнининг технологиклиги муаммоларини таъминлаш масаласи турибди.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмдан мустақкам ўрин эгаллади, лекин уни педагогиканинг мукамал луғатлари (тезаурус)даги ўрни ҳали номаълумлигича бўлмай қолмоқда. Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳақидаги таълимот деб ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

В.П. Беспалько педагогик технологияни амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси сифатида белгилайди. У педагогик тизим технологиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Бунда асосий диққат ўқув-педагогик жараёни олдиндан лойиҳалашга қаратилади, дидактик вазифа ва ўқитиш технологиялари тушунчасидан фойдаланилади. Шу тариқа В.П. Беспалько ўқув жараёнини лойиҳалаш ғоясини илгари суради, афсуски, педагогик технология ва лойиҳа тушунчалари ҳақида аниқлик йўқ.

Педагогик технология таълим жараёнига жадаллик билан кириб бораётган бўлса ҳам, унинг мақоми ноаниқлигича қолиб кетмоқда.

Тадқиқотчиларнинг ишларида фан ва амалиёт оралиғидан ўрин эгалламоқда.

Н.Ф.Талызина ҳар бир педагог реал педагогик жараёни ташкил этишдан олдин ўқув жараёни ҳақида технологик даражада билимлар тизимини билиб олган бўлиши шарт деб ҳисоблайди. У фан ва амалиёт оралиғида тамойилларни олға сурувчи, методлар ишлаб чиқувчи, уларни изчил қўллаш каби масалалар билан шуғулланувчи алоҳида фан бўлиши керак, деб ҳисоблайди, уларсиз педагогик жараён асосланмай қолади (технология реал ўқитиш жараёни сифатида). Айрим муаллифлар ўқитиш технологияларига фан ва санъат оралиғидаги фан деб қарайдилар, бошқалари уни лойиҳалаш билан боғлайдилар.

Шундай қилиб, бир ёндашувда ўқитиш технологиялари ўқитишнинг барча воситаларини қамраб олган қандайдир жиҳозлаш сифатида ҳам белгиланади. Унда технология ўқув жараёнини техниклаштиришни тақозо қилади. Бошқа ёндашувда технологияга таълим амалиётини янги ёки замонавийлаштирилган билимлар билан таъминлашнинг усули сифатида қарашга имконият беради. Бунда технологияга таълимнинг илмий тамойиллари ва амалиётини татбиқ этиш сифатида қаралади.

Технология тушунчаси 60-йиллардаги Америка ва Ғарбий Европада таълимни ислоҳ қилиниши билан боғлиқ равишда кириб келди. Б.Блуи, Ж. Королл, П.Я.Гальперин, В.И.Давыдов, Н.А.Менчинская, З.И.Калмыкова, Л.И. Занков технологиялари машҳур. Ўқитишни ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П.Беспалько, Н.Ф.Талызина, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткина, Г.С.Суходской, Т.В.Кудрявцев, А.М. Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва дидактикачиларга тааллуқлидир.

Технологик ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ўқитиш технологиялари бўш технологияланганлиги бўйича қолиб кетмоқда. Бир қатор технологияларда назарий асослар кучайтирилган, амалий томони у қадар ойдинлаштирилмаган.

Т.А.Балло технологиянинг бир томонини, яъни ўқитишда топшириқли ёндашувни ёритади. Бошқаларида ё компьютер орқали дастурлаштирилган ўқитиш ёки ўқитишнинг муаммоли тузилмаси ажралиб туради. Л.В. Занков, Т.Я.Гальперин, В.И.Давидов тадқиқотларида босқичли ўқитишнинг яхлит технологиялари ҳақида фикр юритилади.

Педагогик технологияда ҳали кўп аниқланмаган масалалар бор. Бу муаммони тадқиқ этиш ўқитиш технологиясининг тушунчаси ва методологик моҳиятини аниқлаш билан боғлиқ. Педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади. Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

«Педагогик технология – психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради» (Б.Лихачев). **«Педагогик технология** – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси» (В.П. Беспалько). **«Педагогик технология** – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи» (И.П. Волков). **«Технология** – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси» (В.М. Шепель). **«Педагогик технология** – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали

ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир.»(В.М.Манахов). «**Педагогик технология** – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО). Бу таърифлар таҳлилидан педагогик технология натижани қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва татбиқ этиш деган хулосага келиш мумкин. Таълим технологияси деганда таълимнинг белгиланган мақсади ва талабанинг билим даражасига кўра ўқув фаолиятини бошқаришнинг назарий лойиҳаси ва педагогик тизимнинг амалда бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилади.

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияси бирор назария ва мақсад асосида ишлаб чиқилади. Педагогик тизимнинг амалда бўлиши, унинг мосланувчанлиги ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари, уларнинг технологик ва индивидуал меъёрлари билан боғланган. Бунда ушбу технологияларнинг мослашувчанлиги, уларнинг вариативлиги, талаба хатти-ҳаракатларининг босқичлилиги муҳим аҳамият касб этади. Ўқитиш технологияси сатҳида ўқув жараёнининг барча компонентлари ёритилади. Шахсга йўналтирилган технология асосида талабаларнинг интеллектуал ва эмоционал-мотивацион ривожланиши, билим ва касбий малакалар шаклланиши, таълим жараёнига қадрият сифатида ёндашиш муносабатини таъминлаш, фаолликни ошириш, ўз-ўзини англаш ва мустақиллигини шакллантириш ётади. Бу тадқиқотларни таҳлил қилган ҳолда ушбу таърифни бериш мумкин:

Педагогик технология таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни мустақил равишда ривожлантириш тизими лойиҳасидир. Ўқитиш технологияси, ўқитиш

назарияси, ўқитиш техникаси. **Улар ўқув фаолиятини бошқариш ҳақидаги педагогик соҳалардир, улар умумлаштирилган даражасига кўра амалга оширилади.** Педагогик технология таълим истиқболининг **жараёнлаштирилган аспектидир.** Ўқитиш технологиясини белгилаш – **бу касбий фаолият соҳасидаги таълимий ва такомиллашиш самарасини таъминловчи ўқув жараёнини меъёрий бошқариб туришдир.**

Илмий адабиётларда педагогик технологиянинг уч аспекти тўғрисида фикр юритилади: илмий, тавсифий, амалий. Илмий аспектда ўқитишнинг мақсади, мазмуни ва методлари илмий асосланади, педагогик жараён лойиҳалаштирилади. Тавсифий аспектда режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришишнинг мақсади, мазмуни, методлари ва воситаларининг иштироки асосида алгоритм жараёни ишлаб чиқилади. Амалий аспектда педагогик технология жараёни амалга оширилади.

Таълим амалиётига нисбатан педагогик технологиянинг уч сатҳи белгиланади: умумпедагогик, хусусий методик, локал (модул). Умумпедагогик технология яхлит таълим жараёнини ифода қилади. Хусусий методик технология бир фан доирасидаги ўқув -тарбия жараёнини амалга ошириш методлари ва воситаларидан иборат бўлади. Локал (модул) технология ўқув тарбия жараёнининг махсус бўлимларига технологияни татбиқ қилишни ифода қилади. Бу технология хусусий дидактик ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга қаратилади.

Педагогикада ўқитиш технологиялари билан бирга таълимий технологиялар ҳам ўрин олган. Таълимий технологиялар мазмун-ахборот аспекти билдирса, ўқитиш технологияси жараёнга алоқадор деб ҳисобланади, яъни улар орасида ҳали ҳам аниқ фарқлар белгиланмаган. Педагогик технология ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига, уларнинг

ахборотлар билан танишганлик ва амалий тайёргарлигига мосланган бўлиши лозим.

Касбий таълим тизимида ўқитиш технологиялари фундаментал ва амалий билимларнинг ўзлаштирилишини, ҳаракатларнинг рефлексивлигани акс эттиради ва ўз касбий фаолиятини шакллантиради. Педагогик технология ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти билан белгиланади. Фаолиятнинг бундай турларига кўра педагогик технологиянинг тузилмаси аниқланади. Педагогик технологиянинг тузилмаси. У концептуал асос, таълим жараёни мазмуни, технологик жараёндан иборат бўлади. Ҳар бир педагогик технология муайян илмий концепцияга асосланади. Педагогик технологиянинг илмий концепцияси таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик, ижтимоий-педагогик ва дидактик асослашларни қамраб олади.

Тадқиқотчилар ҳар қандай педагогик технологияларни қаноатлантирадиган мезонларни белгилайдилар. Изчиллик педагогик технологиянинг мезони сифатида жараённинг мантиқийлиги, педагогик технологиянинг барча қисмларининг ўзаро боғликлиги, яхлитлигани ўз ичига олади. Педагогик технологиянинг мезонларидан бири бошқарувга асосланганлигидир. У ўқув жараёни диагностикаси, уни режалаштириш ва амалга оширишни лойиҳалаш, ундаги ўқитиш методлари ва воситалари билан ўзгартириб туришдан иборат бўлади. Педагогик технологиянинг самарадорлик мезони таълим жараёнининг конкрет шароитларида олинадиган юксак натижаларни кўзда тутади. Қайта тиклаш педагогик технологиялар мезонларидан биридир. Унда педагогик технологияларни бошқа ўқув юртларида қўллаш имконияти тушунилади.

I.2. Ўйинли технологиялар ҳақида мутафаккирларнинг қарашлари.

Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади. Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади. Д.Н. Узнадзенинг таърифича, ўйин шахсга хос бўлган ички имманент психик (рухий) хулқи шаклидир. Л.С. Вигодский ўйинни боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буюртмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди. А.Н. Леонтьев ўйинга шахснинг ҳаёлотдаги амалга ошириб бўлмайдиган қизиқишлари (манфаатлари)ни ҳаёлан амалга оширишдаги эркинлиги сифатида қарайди. Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади. Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишланган бўлади. Улар қуйидагилар: мафтункорлик; коммуникативлик; ўз имкониятларини амалга ошириш; даволовчилик; ташхис; миллатлараро мулоқот; ижтимоийлашув.

Тадқиқотчилар ўйин хусусиятларини ишлаб чиққанлар. Ўйинларнинг муҳим қирралари С.А.Шмаков томонидан ёритилган. У эркин ривожланувчи фаолиятни фарқлайди. Бундай фаолият фақат натижа (тадбирни) туфайли баҳра олиш учун эмас, балки хоҳишларига кўра, фаолият жараёнининг ўзидан баҳра олиш учун қўлланади. Ўйин ижодийлиги билан ажралиб туради. У мумкин қадар бой, фаол характерга – «ижод майдони»га эга бўлади.

Ўйин учун ҳиссий кўтаринкилик ҳосилдир. У ўзаро кураш, мусобақалаш, рақобат шаклида намоён бўлади. Ўйиннинг ўйин мазмунини акс эттирувчи, уни ривожлантиришнинг мантиқий ва вақтинча изчиллигини кўзда тутган бевосита тегишли ва унга нисбий алоқадор қоидалари бўлишини кўрсатадилар.

Тадқиқотчилар назарий аспектда ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида қарайдилар. Ўйин фаолият сифатида мақсадни белгилаб олиш, режалаштириш ва амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилишни қамраб олади ва бунда шахс субъект сифатида ўз имкониятларини тўла амалга оширади. Ўйинли фаолиятни мотивациялаш ўйин характерининг мусобақалаш шартлари, шахснинг ўзини намоён қила олиши, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжларини қондиришдан келиб чиқади. Жараён сифатида ўйин тузилмаси (Г.К. Селевко таъбирича) қуйидагиларни қамраб олади: ўйнаш учун олинган роллар; бу ролларни ижро этиш воситаси бўлган ўйин ҳаракатлари; предметларни, яъни ҳақиқий нарсаларни шартли, ўйин нарсалари ўрнида қўллаш; ўйинда иштирок этувчиларнинг реал ўзаро муносабатлари; ўйинда шартли равишда яратилган сюжет (мазмун) – ижро соҳаси.

Ўйиндан тушунчалар, мавзу ва ҳатто ўқув предмети бўлимини ўзлаштиришда ўқитиш методи ва мустақил технология сифатида фойдаланилади. Ўйин билиш ва унинг бир қисми (кириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) тарзида ташкил этилади. Ўйинлар турли мақсадларга йўналтирилган бўлади. Улар дидактик, тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва ижтимоийлашув мақсадларда қўлланади.

Ўйиннинг дидактик мақсади билимлар доираси, билиш фаолияти, амалий фаолиятида билим, малака ва кўникмаларни қўллаш, умумтаълим малака ва кўникмаларни ривожлантириш, меҳнат кўникмаларини ривожлантиришни кенгайтиришга қаратилган бўлади.

Ўйиннинг тарбиявий мақсади мустақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нуқтаи назарлар, маънавий, эстетик ва дунёқарашни шакллантиришдаги ҳамкорликни, коллективизмни, жамоага киришиб кета олишни, коммуникативликни тарбиялашга қаратилган бўлади. Фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар диққат, хотира, нутқ, тафаккур, қиёслаш малакаси, чоғиштириш, ўхшашини топиш, фараз, хаёл, ижодий қобилият, эмпатия, рефлексия, оптимал ечимни топа олиш, ўқув фаолиятини мотивациялашни ривожлантиришга қаратилган. Ижтимоийлашув ўйинлари жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларига жалб қилиниш, муҳит шароитларига кўникиш, эхтиросларни назорат қилиш, ўз-ўзини бошқариш, мулоқотга ўргатиш, психотерапияни назарда тутати.

Педагогикага оид адабиётларда педагогик ўйин деган тушунча мавжуд. Педагогик жараёни ташкил этишнинг бир қатор методлари ва усуллари ҳамда турли шаклдаги педагогик ўйинлар «ўйинли педагогик технологиялар»ни ташкил этади. Педагогик ўйинда таълимнинг педагогик мақсадлари аниқ қилиб қўйилади. Педагогик ўйинлар асосида талабаларни ўқув фаолиятига йўлловчи ўйинли усуллар ва вазиятларни вужудга келтириш ётади. Г.К. Селевко томонидан педагогик ўйинлар таснифи ва уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган. Педагогик ўйинлар қўйидаги асосий йўналишларда бўлади: дидактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади; ўқув фаолияти ўйин қодаларига бўйсунди; ўқув материалдан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади; ўқув жараёнига дидактик вазифа ўйинга айлантирилган тарзда мусобақалашини унсурлари киритилади; дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади.

Педагогик ўйинлар фаолият турлари, педагогик жараён характери, ўйин методикаси, соҳа хусусияти, ўйин муҳити бўйича тасниф қилинган. Олий мактаб амалиётида тадбиркорлик ўйинларига алоҳида аҳамият берилади. Тадбиркорлик ўйинлари назарияси умуман бошқа ўйин фаолияти

назарияси билан бевосита боғланган. Тадбиркорлик ўйинларини машхур психологлар Л.С. Вигодский, А.Н. Леонтьев, П.Я. Гальперин ва бошқаларнинг ишларида назарий асосланган. Тадбиркорлик ўйинлари ўз характериға кўра инсоннинг шахсий хислатларини шакллантиришнинг амалдаги воситаси ҳисобланади.

Тадбиркорлик ўйинлари билиш ва ўқитишнинг воситаси сифатида ХХ асрнинг 20-йилларида гуркираб ривожланди. Тадбиркорлик ўйинларига тақлидий (имитацион) ўйинлар билишнинг воситаси сифатида асос бўлди. Тақлидий ўйинларға ўз навбатида ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ўйинлар асос бўлган. А.А. Вербицкий тадбиркорлик ўйинларига ўқитишнинг ишоравий-контекст шакллари сифатида қарайди. Унинг фикрича, тадбиркорлик ўйинларида машқ қилиш фаолияти ва бўлажак касбий фаолият модел ёки унинг прототипи, қайсидир сунъий ва табиий тизим сифатида ўзаро нисбатланади. Шу туфайли тадбиркорлик ўйинлари касбий фаолиятнинг ишоравий моделлари сифатида белгиланади, унинг контексти (мазмун) ишора воситалари, яъни табиий тилни ҳам ҳисобға олган моделлаштириш, тақлид (имитация) ва алоқа ёрдамида берилади. А.А. Вербицкий олий ўқув юртининг вазифасини бундай ўқитишда, яъни талабани бир етакчи фаолият типи (ўқув)дан бошқа (касбий) типға фаолиятнинг предмети, мотиви, мақсади, воситаси, усул ва натижаларини мақсадға мувофиқ йўналтирилган (ўзлаштирилган) ҳолда ўтказишни таъминлаш деб билади.

Тадбиркорлик ўйини янги технология сифатида моҳиятан куйидагиларни билдиради:

- ишлаб чиқариш имитацион модели сифатида тақдим этилган ўқув материали мазмунининг изчиллиги;
- ўйинли ўқув моделида келгусидаги касбий фаолияти таркибий қисмларини яратиш;
- ўқув жараёни тарзини билимларға эҳтиёжларни туғдириш ва уларни амалда қўллашнинг реал шароитларига яқинлаштириш;

- ўйиннинг таълимий ва тарбиявий самарадорлиги йиғиндиси;
- ўйинни олиб борувчи ўқитувчининг талабалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришдан талабаларнинг ўз хатти- ҳаракатларини ташкил этиш ва бошқаришга ўтишини таъминлаши.

А.С. ва Г.Ф. Арбенъевлар тадқиқотларида тадбиркорлик ўйини мутахассиснинг эвристик тафаккурини ривожлантиришнинг самарали методларидан бири сифатида баҳоланади. А.Тюков фикрича, ҳар қандай ўйин қай тарзда лойиҳалаштирилишидан қатъи назар уларнинг ҳар бири қуйидаги талабларни бажариши лозим: касбий доира имитацияси яхлитлиги. Ўйин имитациясига тааллуқли бўлган тузилма ва жараёнлар асосий воқеликни акс эттирувчи умумий сюжет ёки асосий мавзуга эга бўлиши лозим; мустақил ташкил этишга йўналганлиги; ўқитишнинг муаммолилиги; методологик, психологик ва техник жиҳатдан таъминланганлиги.

Ташкилий ўйин аслида тобора такомиллашиб борувчи ўқитишни таъминлаши керак. Шу мақсадда унда фаолият ривожланишининг тўлиқ даврийлиги имитацияси амалга оширилади, яъни қандайдир вазият ечимига бўлган ёндашувдан топилган ечимнинг умумлаштирилган баҳоси ўтилади. А.А. Тюков ўйин даврийлигининг қуйидаги босқичларни қайд қилади: вазиятни ва муаммолаштиришни таҳлил қилиш асносида ўйиннинг асосий сюжет мавзуси бўйича ўйин иштирокчисининг сермахсул мустақил ижодий иши; амалий гуруҳларнинг иш натижаларини умумий танқидий муҳокама қилиш; ўйин жараёни ва иштирокчилар хатти-ҳаракатларини рефлексив таҳлил қилиш; ечимни ташкил этиш босқичи.

Я.С. Гинзбург ва Н.М. Коряк ўйиннинг қуйидаги социал-психологик хусусиятларини фарқлайди: гуруҳ характери; яратувчилик, шартлилик; рамзийлик, утилитар бўлмаслик характери; белгисизлик (мавхумлик), тарқалувчанлик хусусияти.

Тадбиркорлик ўйинини тайёрлашнинг социал-психологик муаммоларига қуйидагилар киради: иштирокчиларни танлаш; ролларни тақсимлаш; ўйин раҳбарини ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш; ижтимоий психология бўйича умумназарий билимларни эгаллаш; назарий билимларини амалда қўллаш олиш; шахсий тайёргарлик.

И.Оллоёров тадбиркорлик ўйинларига ўқув ишларини ташкил этишнинг бир шакли сифатида қарайди. У ўйинлар ўқув жараёнида ўз ўрнига эга ва ўқув жараёнининг асосий вазифалари, моҳияти ва тузилмаси ҳамда ўрганилаётган фаннинг дидактик табиатига боғлиқ бўлган, аниқ белгиланган дидактик функцияларни бажаришини таъкидлайди.

Тадбиркорлик ўйинларининг дидактик функцияларига қуйидагилар киради:

- талабаларда ақлий фаолият усуллариининг шаклланиши;
- билимларни мустаҳкамлаш ва қўллаш;
- ўқув жараёнида бўлғуси мутахассиснинг фаолияти фақат ўрганиш эмас, балки уни бажаришга қаратилган дидактик қоидалар ишлаб чиқишдан иборат бўлиши;
- талабалар ўқув-билиш фаолиятининг бўлғуси касбий фаолияти, характери ва тузилмасига максимал даражада яқинлашиб бериши.

Шундай қилиб, тадбиркорлик ўйинлари материалларни янги билимларни эгаллаш, ўтилганларни мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, умумий малакани шакллантириш каби бир қатор вазифаларни ечишда фойдаланилади.

I.3. 3-синф ўқиш дарсларида ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди, яъни: “Ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитдан тўла холис этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш“ деб белгиланади. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг ҳам, педагогик жараённинг ҳам янгиланиши табиийдир.

Иккинчидан, фан ва техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги технологиялар (саноат, қишлоқ хўжалиги, электрон, ахборот ва бошқа) кириб келмоқда. Рўй бераётган сифатий ўзгаришлар шундан далолат берадики, эндиликда “ўрганиш“нинг бирламчи жараёнлари анъанавий методика ва ўқитиш воситалари ромига сиғмай, ўқитувчининг индивидуал қобилиятарига мос келмай қолди. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган ва унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, полиграфик, аудиовизуалли воситалар мавжудки, улар янги ПТни реал воқеликка айлантирди.

Педагогик технология моҳият жиҳатдан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалари қатори ўз хусусий соҳасига, методлари ва воситаларига эга, маълум “материал“ билан иш кўради. Бироқ ПТ инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиши билан ишлаб чиқариш, биологик, ҳатто ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос томонлари-тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир.

ПТ бошқа соҳалардаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий ўқув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Афсуски, бу жараён ҳозирги таълим тизимида жуда қийин кечяпти, ҳақиқий компьютерли ПТ ўзининг илмий ишланмасини кутяпти: “компьютерларнинг шу кундаги қўлланиши - экстенсивлик холос: анъанавий ўқув курслари шунчаки экран мониторида жойлаштириляпти”. Шу ерда ПТ ва ахборот технологияси ўртасидаги ўзаро муносабатни ойдинлаштириш лозим бўлади. Кейинги вақтларда баъзи бир олимлар (айниқса информатика фани вакиллари) ПТни ахборотлаштиришга қўшиш ёки тенглаштириш (баъзан устун қўйиш)ни ёқламоқдалар. Бу уринишлар агар хато бўлмаса, шубҳасиз “подадан олдин чанг чиқаришдир“. Ўқув-тарбиявий жараённи технологиялаштириш тарихий (айниқса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб) воқелик ва жараёндир. Ахборотлаштириш бу жараёндаги инқилобий “бурилиш“, унинг муҳим босқичидир. Оддий тил билан айтганда таълимда ахборот технологияси - бу “ўқувчи - компьютер“ ўртасидаги мулоқотдир.

Ахборотли технология ПТнинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила бошланди. Келажакда иқтисодий бурҳонлар ортда қолиб ўқув юртлари дастурли “машина“ билан етарли даражада таъминланади. Шундагина ахборотли технология асосида ўқувчи (талаба)ларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туғилади ва у ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланади ёки унинг функцияларини тўлиқ бажариши мумкин.

Таълимни технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёт йўналиши билан белгиланишини эътироф этган ҳолда ПТнинг ўзига хос томонлари ва яқин келажакда у билан боғлиқ вазифаларни белгилашга ҳаракат қиламиз:

1) кўп босқичли таълим тизимида ПТнинг ўрнини аослаш ва зарурий тавсияномалар ишлаб чиқиш;

2) замонавий саноат, тиббиёт, иқтисодиёт, экология, эргономия каби соҳа технологиялари билан ПТларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табақалаштирилган ёндашув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш;

3) истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор ПТларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарасини аниқлаш;

4) тегишли бошқарув органлари (Таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида янги ПТларни тадбиқ этилиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш;

5) республикамиздаги олий (ўрта махсус, касб-хунар, мактаб) таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагог ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни узлуксиз ташкил этиш;

6) олий ўқув юртлири талабалари, айниқса, мутахассис-педагог (иқтисодчи-педагог, ҳуқуқшунос-педагог, муҳандис-педагог ва бошқа)лар учун 40 соат ҳажмида ПТ назарияси ва амалиёти бўйича махсус курс жорий этиш;

7) республикамизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчилар иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган методикаларни янги педагогик технология даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш;

8) ўқитувчи фаолиятини педагогик технология қонуниятларига мослаштириш муаммолари ва бошқалар.

Хўш, белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва назорат қилишни ким ўз зиммасига олиши мумкин? Халқ таълими вазирлигими ёки Олий таълим вазирлиги? Эҳтимол, Таълим марказларининг вазифасидир? Ёки ҳар қайси таълим муассасалари ўз ҳолича ечаверадими? Биз бу саволлар билан таълим

соҳасидаги у ёки бу бошқарув органларига вазифа юклаш фикридан йироқмиз. Айти шу кунларда ваколатли давлат органларининг кун тартибида ҳам ПТ муаммолари турганлигига шубҳа йўқ.

Фикримизча, илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш ва ҳаётга тадбиқ этиш муаммоси мамлакатимизда ҳам ривожланган давлатлар қатори янги корхона - “Педагогик технология Давлат Марказ“ини тузишни тақозо этади. Агар шундай Марказ ташкил этилса, биринчи навбатда “портлаш эффекти“ сари йўлни қисқартиришга ҳисса қўшган бўларди. Учинчи минг йилликда таълим тараққиётининг ҳаққоний двигатели сифатида ўқитувчи фаолиятини янгилашга, таълим-тарбия жараёнини мақбул (оптимал) қилишга, талаба ёшларда ҳурфқрелик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатар эди.

Таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш мақсадида, Термиз шаҳар 13-умумий ўрта таълим мактабида педагогик амалиётда бўлдик. Амалиёт давомида тажриба синов ишларини ташкил этдик. Ишимизни бошланғич 1-4 синфларнинг Ўқиш китоби дарслигининг таҳлили билан бошладик. Унга кўра дарсликдаги ҳар бир мавзулар ўқувчиларни ватанни ардоқлашга, унинг ҳар бир қарич ерини муққадас билишга қолаверса бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилганлигини гувоҳи бўлдик. Дарсликлар таҳлилидан сўнг бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқиш дарсларини кузатдик. Ўтилган дарслар кўпроқ анъанавий тарзда ташкил қилинганлигини, педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси сустлиги аниқланди. Дарслар охирида ўқитувчилар билан суҳбатлар ўтказилди. Уларга қуйдаги саволлар асосида анкета сўровномаси ўтказилди.

1. Педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш шартми?

А) ҳа Б) йўқ В) билмадим

2. Сизнингча мвактабингизда педагогик технологияни қўллашнинг аҳамияти қай даражада?

А) юқори В) ўрта В) билмадим

3. Дидактик ўйин технологияларни дарсларда қўллаш қандай самара беради?

А) яхши Б) ўртача В) билмадим

Сўровномада қатнашган 10 нафар яъни 100% ўқитувчилардан, Педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш шартми саволига 7 нафари 70% ха, 1 нафари 10% йўқ, 2 нафари 20% билмадим деб жавоб беришди.

Сизнингча мактабингизда педагогик технологияни қўллашнинг аҳамияти қай даражада саволига 4нафари 40% юқори, 5 нафари 50% ўрта, 1 нафари 10% билмадим деб жавоб беришди.

Дидактик ўйин технологияларни дарсларда қўллаш қандай самара беради, саволига 6 нафари 60% яхши, 3 нафари 30% ўртача, 1 нафари 10% билмадим деб жавоб беришди.

Саволлар бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, бошланғич синф ўқитувчиларида педагогик технологиялар ва уларнинг дарсларда қўллаш самарадорлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.

II-БОБ.Таълим жараёнида ўйин технологияларидан фойдаланиш усуллари ва шакллари

II.1. Ўйин технологияларининг шакл ва методлари.

Ижодий фаолиятнинг бирор босқичида муайян стратегия, тактика ва методларни қўллаш малакасини шакллантиришга қаратилган тадбиркорлик ва роль ўйинлари. Масалан, «Илмий-тадқиқот ишларида маъруза, мунозара» тарзидаги ўйин. Бу ўйиндаги асосий роллар қуйидагича бўлиши мумкин: **«Бошловчилар»** - ўқитувчи, ишлаб чиқариш мутахассиси; **«Пешқадамлар»** - муҳокама қилинадиган муаммонинг муайян масаласи бўйича вазиятни тасаввур қила оладиган маърузачилар; **«Безакчилар»** - пешқадамларнинг маърузалари ва чиқишларини кўргазмали тасаввур этишлари ва тушунтиришларини таъминловчи ўйин иштирокчилари; **«Ассистентлар»** пешқадамлар ёрдамчилари бўлиб, улар пешқадамларга ва оппонентларга кўргазмали чиқишларига ёрдам берувчи ўйин иштирокчилари; **«Расмий оппонентлар»** - пешқадамларнинг маърузаси ва бошқа материаллар бўйича расмий танқидий руҳда чиқиш қилувчилар; **«Норасмий оппонентлар»** - муаммо бўйича гуруҳ бўлиб ёки мустақил илмий-тадқиқот олиб борувчи барча бошқа талабалар – ўйин иштирокчилари; **«Чалғитувчилар»** - корхона ёки илмий муассасада кўшимча салбий ходиса, фактларни баён қилиш асосида ўйин иштирокчиларининг фаоллигига сабаб бўладиган саволлар қўйиши лозим бўлган ўйин иштирокчилари. Корхона ёки илмий муассаса мутахассислари, олий ўқув юрти ўқитувчилари, илмий ходимлари, аспирант, талабалари бу «вазифа»ни бажаришлари мумкин; **«Регистраторлар»** - мунозараларни ёзиб олувчи ўйин иштирокчилари; **«Экспертлар»** - маъруза муҳокамасидаги чиқишлар ва ечимнинг гуруҳ бўлиб қабул қилиниши бўйича объектив баҳо берувчи ўйин иштирокчилари. Бу вазифада корхона ва илмий муассаса мутахассислари, олий ўқув юрти ўқитувчилари ва илмий ходимлари, аспирант ва талабалар

катнашишлари мумкин. Бундай ўйинларда қуйидаги асосий вазифалар ҳал қилинади:

- бўлғуси мутахассисни ахборотлар алмашишга ўргатиш;
- уларда ўз нуқтаи назарларини асослаш ва ҳимоя қилиш, бошқа кишиларнинг ғояларига кириб бора олиш, гуруҳ бўлиб ечим қабул қила олиш малакасини шакллантириш.

Ўйин-мунозаралар бўлғуси мутахассисда илмий-ишлаб чиқариш муаммосини қўя билиш ва ечишга, мустақил фикрлашга, объективликка нисбатан қизиқишни шакллантиради, муаммоларни қўйиш, уни муҳокама қилиш, уларни ечишда ўзини тута билиш кўникмаларини ҳосил қилади. Ўйин- мунозаралар муайян муаммо бўйича баҳсларни ташкил этилишини кўзда тутади. Баҳс муаммони муҳокама қилиш жараёнидир. Унинг усули эса гуруҳ бўлиб тадқиқ қилишдир. Унда ҳар бир иштирокчи ҳамсуҳбати (рақиби)нинг фикрини асослаш, уни инкор этиш орқали ҳақиқатни тиклашда ўз монополиясини ўрнатади. Баҳс мунозара боришининг турли вариантлари мавжуд:

Эвристик ёндашувда томонлардан бири муаммонинг ечими бўйича ўзининг ёндашувини қабул қилишга уринмасдан ишонтириш методи, ички туйғу, соғлом ақлдан фойдаланган ҳолда баҳс иштирокчиларини ўзининг нуқтаи назарига оғдириб олади.

Мантиқий ёндашувдаги баҳсга ўта мустаҳкам мантиқий таҳлил ва далил–исботлар характерли бўлиб, унинг воситасида иштирокчилар якуний хулосаларга келадилар.

Сўфиёна ёндашув. Унда томонлардан бири ўз рақибини донолик қилиб мағлуб қилиши ҳам мумкин.

Авторитар ёндашув. Унда томонлардан бири ўзининг обрўсидан фойдаланиб, ўз нуқтаи назарини ўтказиши мумкин.

Танқидий ёндашув. Баҳс иштирокчиларидан баъзилари ўз рақибининг фақат камчилиги, кучсиз ўрни ва мавқеига диққатни жалб қилади ва, аксинча, рақибининг фикридаги ижобий унсурларни кўришга интилмайдди ва муаммонинг ечими бўйича ўз таклифларини ҳам бера олмайди.

Догматик ёндашув. Унда томонлардан бири баҳсни ҳақиқатни ўз манфаати учун ўзининг шахсий мақсадларига мувофиқ келадиган томонга бошлаб кетади.

Прагматик ёндашув. Иштирок этувчилардан бири ва ҳар бир томон фақатгина ҳақиқатни ўрнатиш учунгина баҳс юритмайди, балки ундан ўзларининг яширин ва баҳс иштирокчиларига маълум бўлмаган амалий манфаатларига буриш учун фойдаланади. Баҳсни ўтказишда қуйидаги қоидаларга аҳамият бериш лозим: оппонентининг ўз фикрини асословчи сўзини тинглаб, кузатиб бориши; оппонентини сўзлашдан тўхтатиб қўйишга шошилмаслиги; майда-чуйда деталларга эътибор қаратмаслиги, энг муҳимини кўришга, тушунишга ҳаракат қилиши; кучсиз ўринлар, далил-исботлар, мисолларни топиш ва таҳлил қилиш; оппонентини ўзидан кучли деб ҳисобламаслик; ўзига ҳаддан ташқари бино қўйиш ва ишонишга ружу бермаслик; қўрқиб рақиб олдида мағлубият эканлигини эсда тутиш.

«Баҳсда ғолиб келиш санъати» (П.И. Пидкасистой томонидан ишлаб чиқилган) ўйини. Бу ўйин 2,3 соатга мўлжалланган. Ўйиннинг мақсади – талабаларнинг баҳс-мунозара олиб бориш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш ва баҳолаш. Мунозара – баҳснинг муаммолари. Баҳс-мунозарага олиб чиқиладиган муаммо талабалар учун долзарб ва қизиқарли бўлиши керак. Намуна тариқасида қуйидаги саволларни қўйиш мумкин: Менинг ижодий, рақобатбардошлик

шахсиятим ғояси қандай? Шахснинг ижодий, зиёлилик, рақобатбардошлик хусусияти нималарда кўринади? Шахснинг мустақил ривожланиш жараёнини мен қандай тасаввур қиламан? Бозор иқтисоди муносабатлари шароитида ўзимни қанда й унга баҳшида қиламан?

Ўйин иштирокчиларининг роллари ва вазифалари. Бошловчи-ўқитувчи ўйиннинг маъноси, асосий босқичлари ва иштирокчиларнинг вазифаларини айтиб беради. Икки рақобатбардош 7-10 кишидан иборат гуруҳлар юқоридаги саволлар бўйича мунозарага киришадилар. Бошловчи-ўқитувчи ўйинни лозим топган оқимга йўллаб туради, унинг аъзолари фаоллигини таъминлаб туради, мунозаранинг тўғрилигини кузатади, унга яқун ясайди.

Эксперт – талабалар мунозара иштирокчиларига баҳо беради, гуруҳга ва унинг аъзоларига қуйидаги меъёрларга асосланган ҳолда баҳо қўяди: ифоданинг мантиқийлиги ва асосланганлиги; нутқ маданияти, нотиклик санъати усулларини эгаллаганлиги; хулосаларнинг исботлилиги; баҳс усулларидан ранг-баранг ва самарали фойдаланиши; саволлар қўя олиши ва б.

Ўйин босқичлари. Биринчи босқич ташкилий босқичдир. Унда рақобатга киришувчи жамоалар ва экспертлар гуруҳи шакллантирилади. Ўқитувчи ўйиннинг мақсади ва қоидаларини баён қилиб беради. Иккинчи босқич ўйин жараёнидир. Ўйин давомида жамоалар олишлари мумкин ва унда мунозарани кутилмаган даражада янги ўйлаш ва топиш имкониятига эга бўладилар. Учинчи босқич ўйинга яқун яшадир. Бу босқичда экспертларнинг ҳар бирига ўз мулоҳазаларини билдириш учун имконият берилади, улар эса ўз баҳоларининг меъёрларини ҳамда баҳс-мунозара иштирокчиларининг чиқишлари натижаларини асослаб берадилар.

Экспертлар вазифаси: жамоанинг ғалабасини асослаш; ўйин иштрокчиларидан энг хушмуомала; энг ақлли; энг обрўли; энг ижодкорларини аниқлаб беради.

Ўйин якунида ўқитувчи ўйинни таҳлил қилиб беради ва яқун ясайди. Айниқса, ўқитувчи ўйиннинг бориши, унинг муваффақияти ва камчиликларига урғу бериши лозим. Шунингдек, истиқболда эътибор берилиши керак бўлган муваффақиятли, мунозарали, ижодий вазиятларни фарқлаб бериши керак. Ўйинли технологияларни амалга ошириш бўлғуси мутахассиснинг ижодий фаолиятини ривожлантириш методларидан фойдаланишни тақозо қилади.

Ижодий фаолият тажрибасини ривожлантириш методларига илмий тафаккурни жонлантириш, янги муаммоларни ечиш малакасини ишлаб чиқишга, муаммоларни ечишда онгли изланишга олиб келадиган методлар тааллуқлидир. Ижодий фаолиятни ривожлантириш методлари Г.С. Альтшуллер, О.Г. Богданова, А.В. Брушлинский, Г. Мелхорн, Б.Миронов, П.Якобсон ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилар: **Шароитни (муҳитни) мураккаблаштирадиган методлар.** 1. Вақт жиҳатдан чегараланган методлар. У муваффақият факторнинг конструкторлик фаолиятига сезиларли таъсир этишни қайд қилишга асосланади: баъзиларда вақт жиҳатдан чегаралаш фаолликни оширади ва сокинлик ҳолатига қараганда, янада юқори натижаларни кўрсатади, бошқаларида (кўпинча) турли даражада ўз хулқини ўзгартиради, натижалари камайиб кетади ва ҳамма вақт ҳам охириги ечимига эришилмайди; учинчиларида, вақт жиҳатдан чегаралаш уларни жиловлайди, талвасага туширади, улар пароканда бўладилар, васвасага берилади, кўпчилиги ёки бир қисми вазифани ечишдан бош тортадилар.

2. Тўсатдан таъқиқлаш. Жараённинг у ёки бу босқичида хатти-ҳаракатларнинг қандайдир деталлар механизми таъқиқланади. Бу билан

штамплар, конструкторлик фаолияти, мосламалар, қисмлар, деталларнинг машҳур типларини қўллаш имкониятлари бузилишининг олди олинади.

3. Тезликда эскизлаш методи. Талабаларнинг конструкторлик фаолиятининг у ёки бу пайтида расм чизиш талаб қилинади, ўз фаолиятини бевосита назорат қилинишига конструкторлик ижоди жараёнини образлар воситасида бошқаришга, ёрдам берадиган миясига (хаёлига) келган барча конструкцияларни тасвирлайди.

4. Янги вариантлар методи вазифани, бошқача бажаришни талаб қилишда, яъни ечимнинг бир неча вариантлари бўлган ҳолда, унинг янги вариантини топиш ва бажаришда кўринади.

5. Ахборотлар танқислиги методи конструкторлик фаолиятининг биринчи босқичларида алоҳида фаоллик вазифаси қўйилганда қўлланади. Бунда вазифанинг бошланишида маълумотлар жуда оз бўлади.

6. Ахборотлар мўллиги методи вазифа қўйилган шароитда, ортиқ даражада маълумотлардан фойдаланишга асосланади.

7. Бемаъни метод нинг моҳияти шундаки, унда мутлақо бажариб бўлмайдиган конструкторлик вазифаси (абдий двигателни яратишга ўхшаш) қўйилади.

8. Рекодификация методи. Унинг моҳияти шундаки, ҳодисаларни «кўчириш» фактлари билан боғлиқ янги ва бетакрор ғояларни ишлаб чиқиш мақсадида ҳодисаларни бошқача ифодалашдир, у «кашфиётлар майдони (матрица)» сига асосланади. Рекодификацияни бир тилдан иккинчи тил (фанда кўпинча математика тили)га ўтказиш деб тушунса ҳам бўлади. Бироқ у барча рекодификация тили бўлиши мумкин эмас, график ифодалар, схемалар, таблицалар, диаграммалар ҳам рекодификация вазифасини бажариши мумкин.

Ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методлари. 1. Дельфи методи

– тавсия этилган сериядаги муқобиллардан энг яхшисини танлаб олишга ёрдам беради. Гуруҳ аъзоларидан ҳар бир муқобилга муайян изчилликда баҳо бериш талаб қилинади. Тадбирни ўтказиш тартиби қуйидагича. Масалан, статистик методлар орқали 5та камчилик (дефект) сабаблари аниқланган. Қайси бири муҳим камчилик? Муҳокама иштирокчилари муаммони аввало муҳимлик даражасига кўра саралаб чиқадилар. Ўзлари учун муҳим ҳисобланган муқобилни биринчи ўринга, иккинчи даражаларини бешинчи ўринга қўядилар. Шундан сўнг ҳар бир муқобилга ҳар бир иштирокчи камчиликларнинг сабабларига тўхталган ҳолда 10 баллик тизим асосида баҳо қўйиб чиқади. Бунда энг юқори балл сифатида 1 ва энг пастки 10 балл этиб белгиланади. Учинчи босқичда муқобилларнинг ҳар бири ўзаро кўпайтирилади ва ҳосила рақам топилади. Энг кам рақам тезликда ва биринчи навбатда бартараф қилинадиган сабабни билдиради. Ҳисоблашни осонлаштириш учун махсус жадвал (4.03) ясалиши мумкин. **Муқобилларни баҳолаш**

М.Қ	Муқобиллар														
	1			2			3			4			5		
	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ
А	4	7	28	3	4	12	1	1	1	2	3	6	5	10	50
Б	5	2	10	3	6	18	2	7	14	1	10	10	4	4	16
В	2	8	16	1	1	1	4	3	12	3	4	12	5	2	10
Г	5	10	50	4	5	20	3	4	12	2	3	6	1	1	1
Ҳосила			104			51			39			34			77

Изоҳ: Т- тоифа баҳоси (1 дан 5 гача); Б- балл бўйича баҳо (1 дан 10 гача)

Ҳ- ҳосила (яъни Т+Б); МҚ- муҳокама қатнашчилари

2. «Қора қути» методи. Бу метод асосида ечиладиган муаммолар аниқ вазиятни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, яъни таҳлил давомида иштирокчилар беихтиёр камчиликлар (дефектлар)нинг юзага келиши масалаларига тўхталдилар. Иштирокчиларни бунга махсус, мақсадга мувофиқ қўйилган саволлар ундайди. Масалан, «Бу вазият нимага олиб келади?» ёки «Бу ҳолатда механизмлар иши қай даражада барқарор?» ва б. «Қора қути» методининг моҳияти шундаки, унда камчиликлар сабаби йўл-йўлакай аниқланади. Бунда кишиларнинг ижодий ташаббуслари ривожлантирилади.

3. Кундалик тутиш методи. Гуруҳнинг ҳар бир аъзосига ён чўнтак дафтарчаси тарқатилади. Унга, айтайлик, бир ҳафта давомида муҳокама қилинадиган муаммо бўйича туғилган фикрлар қайд қилиб борилади. Барча иштирокчиларнинг ёзиб борган фикрлари пешқадамлар томонидан таҳлил қилиниб, тайёрланган материал охириги муҳокамага олиб чиқилади. Бу метод қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: биринчидан, туғилган ғоя, аниқ рационал таклиф ўша гуруҳнинг фикри даражасига кўтарилади, иккинчидан, турли хилдаги тортишувлар, нуқтаи назарлар гуруҳ мажлисигача ҳал қилинади, кескинлашган нуқтаи назарлар ҳам текисланади.

4. 6-6 методи: Олти кишидан кам бўлмаган гуруҳ 6 минут давомида гуруҳ олдида турган муаммони ечишга ёрдам берадиган аниқ ғояни шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир иштирокчи алоҳида саҳифаларга ўз фикрларини ёзиб боради. Бу жуда ихчам тарзда амалга оширилади: жипсликларнинг бузилиши, материалларнинг бузилиши, технологияларнинг бузилиши тарзида. Шундан сўнг гуруҳда барча тайёрланган рўйхатлар муҳокама қилинади. Муҳокама жараёнида ўта хато карашлар чиқариб ташланади, мунозарали масалаларга аниқлик киритилади, бошқа барча аниқланган хусусиятлар гуруҳлаштирилади.

Вазифа – бир неча муҳим муқобилларни саралаб олиш, бинобарин, уларнинг миқдори иштирокчилар миқдorigа нисбатан кам бўлиши лозим.

5. Бевосита жамоа бўлиб «Фикрлар ҳужуми» («Мозговая атака») олиб бориш. Бу методдан мақсад мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айна бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни энгишдир. Бу метод А.Ф. Осборн томонидан тавсия этилган. Бу методнинг асосий тамойили ва қондаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан ғоялар танқидини мутлақ тақиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил-мутоибани рағбатлантиришдир. Бу методдан фойдаланишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи – машғулот раҳбарига боғлиқ. «Фикрлар ҳужуми» иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

6. Ялли «Фикрлар ҳужуми». Бу метод Ж. Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган. У катта гуруҳларда (20дан 60тагача бўлган) янги ғоялар ишлаб чиқиш самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайди. Барча иштирокчилар кичик-кичик 5-6 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир кичик гуруҳ ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15минут давомида мустақил равишда тўғри «Фикрлар ҳужуми» ўтказди. Шундан сўнг ҳар бир кичик гуруҳ вакили ўз гуруҳларида ишлаб чиқилган ғоя ҳақида ахборот берадилар ва ўқитувчи раҳбарлигида жамоа бўлиб унга баҳо берадилар ва улардан энг яхшилари, бетакрорлари танлаб олинади.

7. «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» - деструктив берилган баҳо билан диалог. Бу метод Е.А. Александров томонидан таклиф қилинган ва Г.Я. Буш томонидан ўзгартирилиб йўлга қўйилган Диалогнинг моҳияти шундаки, жамоа бўлиб ғоялар ишлаб чиқишда иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари фаоллаштирилади ва унга зид ғоялар қўйилади. Машғулот

босқичма-босқич қуйидаги тарзда ўтказилади: 1- босқич. Микдор ва психологик мулоқоти жиҳатидан мақбул кичик гуруҳларни шакллантириш; 2- босқич. Вазифа, муаммодан келиб чиқадиган мақсадларни ифодалаш; 3- босқич. Тўғридан-тўғри «Фикрлар ҳужуми» коидасига асосан ҳар бир гуруҳда ғоялар ишлаб чиқиш; 4- босқич. Ғояларни тартибга солиш ва таснифлаш; 5- босқич. Ғояларни **деструктив**лаш, яъни амалга ошиши имкониятига қараб баҳолаш; 6- босқич. Аввалги босқичларда билдирилган танқидий мулоҳазаларга баҳо бериш.

Иштирокчилар: 1) ғоялар ишлаб чиқувчи; 2) муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ғояларни баҳоловчи; 3) зид (қарши) ғояларни ишлаб чиқувчи гуруҳларга бўлинадиган бўлса, самарали натижага эришиш мумкин.

8. Кейинги даврларда « Яширин фикрларнинг шиддатли ҳужуми» шаклидаги метод кенг ривожланмоқда. Бу методнинг келиб чиқиш моҳияти шундай: ҳар бир киши ҳам ижодий меҳнат қила олмайди, бегона шахслар олдида, айниқса, бегона шахслар баҳсга аралашиб турганда ғоялар ишлаб чиқа олмайди. Лекин уларнинг ғоялар ишлаб чиқишга укувлари бор, балки улар ёлғизликка ва сокинликка муҳтож бўладилар. Шу туфайли «яширин фикрлар ҳужуми» да икки ғоя ишлаб чиқувчи гуруҳча: бири- одатдаги фикрларнинг шиддатли ҳужуми давомида ғояни олға сурувчилар; иккинчиси — яширин, яъни улар биринчи гуруҳ муҳокамаларида қатнашмайдилар, улар учун «яширин хона» ташкил этилади ва жойлаштирилади. Улар телемонитор воситасида биринчи гуруҳнинг баҳсларини кузатадилар ҳамда юзага келган ғояларни ўз дафтарчаларига ёзиб борадилар ва уларни «эксперт»ларга узатадилар.

9. Синектика методи. У 1960 йилда АҚШда У.Гордон томонидан ишлаб чиқилган. Бу метод талабаларга муаммонинг унсурларини ифодалашга, ижоднинг бош мақсадини ажратиб олишга, турли хил характердаги

вазифаларни ечишнинг ҳар хил нусхаларини излашга ёрдам беради ва улар қуйидаги шаклга эга бўлади: бевосита (маълум бир вазифанинг ечилишига ўхшатиб ечилади), шахсий (объектдаги берилган вазифа образига киришга уриниб кўриш ва шу нуктаи назардан фикрлашга ҳаракат қилиб кўринг), рамзий (икки жумла билан вазифанинг образли моҳиятини айтиб беринг), хаёлий (гўёки эртақлардагидек бу вазифани ечадилар). Бу билан бўлғуси мутахассисда абстракциялаш малакаси, муҳокама предметдан ўзини фикран олиб қочиш, ақл юритиш мойиллиги, хаёлот, баҳсларга киришиб кета олиш, боғланиб қолиш ҳавфи бўлган ғоялардан узоқлашиш, бошқалар фикрини тинглаш, сафдоши билдирган ғояларига нисбатан чидамли бўлиш, одатдагилар ичидан ғайри одатийларини ва ғайри одатийлар ичидан одатдагиларини топиш ҳамда аналоглардан унумли фойдаланиш каби синектик фикрлашга бўлган қобилият шаклланади.

10. Техник ечимларнинг морфологик таҳлили ва синтези. Бу метод швейсариялик астрофизик Свикки томонидан ишлаб чиқилган. Ўрганилиши лозим бўлган техник тизим таркибий қисмлари ёки функционал морфологик белгиларидан иборат бўлган таркибнинг рўйхатидан аниқ муқобиллари, техник ифодалари ажратиб олинади улар морфологик қути ёки матрица деб номланадиган жадваллар шаклида жойлашади ва ажралиб турган белгилар вариантларини бирлаштириб саралаб олиш орқали янги вазифалар ечими аниқланади. Морфологик таҳлилда бўлғуси мутахассислар техник вазифалар ечими унсурларининг ҳар томонлама комбинациясини ясашга ўрганадилар. Чунки бу метод қуйидаги тамойилга асосланган: техник характердаги ижодий вазилаларни ечишда мувофиқлаштирувчи ўқлар ёрдамида объектнинг муҳим тавсифларини фарқлаб оладилар. Унга қуйидагилар киради:

- вазифаларни аниқ ифодалаш, янги ифодаларни топишга уриниш, иккинчи даражали ва ўхшаш вазифаларни аниқлаш ҳамда улардан энг муҳимини ажратиб олиш;

- ечимлардаги мавжуд камчиликлар, уларнинг асосий тамойиллари ва янги таклифларни санаб кўрсатиш;
- хаёлий, биологик, иқтисодий, молекуляр ва бошқа аналогларни хомаки режалаштириш;
- математик, гидравлик, электрон, механик ва бошқа моделларни яшаш (улар аслида аналогларга қиёсланган ғояларни ифода қилади);
- вариантлар, тобеликлар, бўлғуси алоқалар, мантиқий ўхшашликларни ўргатиш;

бу ишдан мутлақо хабари йўқ баъзи кишиларнинг фикрларини билиш ва бошқалар.

11. Функционал — фойдали таҳлил методи. Бу методнинг яратувчилари сифатида Пермлик муҳандис Ю.М. Соболев ва Л.Маез бошчилигидаги Американинг «Женерал электрик» фирмасининг муҳандисларидир. Бу техник объектларнинг техник-иқтисодий методи бўлиб, уларнинг истеъмолчилик ўзига хослиги ва бу ўзига хосликни таъминловчи чиқимлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилади. Бу методнинг моҳияти шундаки, ижрочи объектга бажарилиши лозим бўлган амаллар ва истеъмолчи талаблари нуқтаи назардан ёндошади. Бу метод бир қатор мураккаб конструкцияларга ишлов бериш, уларнинг технологиклиги, самарасиз чиқимларга қарши «марказлашган ҳужум» ташкил этиш, моддий ва меҳнат омилларидан самарали фойдаланишни оширишни ҳал қилишда иқтисодий самарадор метод ҳисобланади. Мамлакатимиздаги илмий ташкилотлар ва корхоналарнинг хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтилиши бу методдан кенг фойдаланиш лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, функционал-фойдали таҳлил асослари олий мактабда бўлғуси мутахассис- тадқиқотчиларга (конструкторлар, технологлар) дарс сифатида ўтилиши лозим. Бу эса олий ўқув юртини битиргандан сўнг бориб ишлайдиган илмий ташкилот (корхона)да маҳсулотлар конструкциясини, уни тайёриаш технологиясини яхшилашнинг конкрет йўллари аниқлашга янги

имкониятлардан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва ускуналарни ишлатиш ҳамда ортиқ даражадаги сарф-ҳаражатларни бартараф қилишга имкон беради. Масала шундаки, функционал-фойдали таҳлил нуқтаи назардан каралганда, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча сарф-ҳаражатлари фойдали ва фойдасиз ҳамда ортиқча деб тақсим қилинади. Кейингилари яққол кўриниб турган ва беҳуда сарфлардир. Бу метод бўйича ўқитишнинг самарадорлигини ошириш учун мамлакат олий ўқув юртларида тўпланган тажрибалардан фойдаланиб, функционал-фойдали таҳлил ва конструкцияларнинг технологиклиги бўйича махсус курслар ишлаб чиқиш зарурдир.

12. «АРИЗ - ТРИЗ» методи. Г.С. Алтшуллер ва унинг мактаби томонидан ишлаб чиқилган. Бу методлар синов ва камчиликлар ҳамда бошқа уларнинг модификацияларидан сезиларли фарқ қилади. Улар кўр-кўрона кидиришдан кўра техник тизимларни ривожлантириш қонуниятларига бўйсунган мантиқий операциялар тизими асосига қурилган. Назариянинг асосий ғояси: техник тизимлар ўз ҳолича эмас, балки яратувчилик вазифаларини онгли ва мақсадга мувофиқ ечишда фойдаланиш мумкин бўлган муайян қонунлар асосида юзага келади ва ривожланади. Бу вазифаларни ечиш жараёнини техник зиддиятларни аниқлаш, таҳлил этиш ва ечиш деб қараш лозим бўлади. Белгиланган вазифаларни қўллаш методикаси эса техника ва технологияни яратишдаги илмий-техник зиддиятларни ажратиб олиш, аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича мунтазам равишда муайян ҳаракатларни бажаришдир. Тизим ўз ичига бундай зиддиятларни ҳал қилишга ёрдам берувчи ўзига хос янгиловчи операторларнинг 40 та усулларини қамраб олади. Улардан айримлари қуйидагилар: 1. «Тақсим қилиш»: а) объектни мустақил қисмларга бўлиш; б) объектни бўлақларга бўлиб бажариш; в) тақсимлаш даражасини кенгайтириш.

2. «Бутлаш»: а) айти ёки ёндош операциялар учун мўлжалланган объектларни бирлаштириш; б) айти ва ёндош операцияларни бирлаштириш.

3. «Оналик»: а) бир объектни иккинчи объект ичига ва ўз навбатида унинг ичига учинчи объектни жойлаштириш; б) бир объектни тўғридан- тўғри иккинчи объект орасидан ўтказиш.

4. «Чаппалик»: а) объектнинг ҳаракатдаги қисмини ёки ташқи муҳитни кўзгалмас ҳолатга олиб келиш, аксинча, муҳим ҳолатни ҳаракатдаги ҳолатга келтириш; б) вазифа шартлари талаб қилган ҳаракатлар ўрнига тесқари ҳаракатни амалга ошириш; в) объектнинг «оёғини осмонга қилиб қўйиш» ва уни ўнглаш.

5. «Зарарни фойдага айлантириш»: а) зарарли факторлардан (масалан, муҳитга зарар етказадиган) ижобий самара беришда фойдаланиш; б) зарарли факторларни бошқа зарарли факторлар билан қўшиш асосида уни бартараф этиш; в) зарарли факторларни ортиқ даражада кучайтириш асосида уни безарар қилиш.

Талабаларнинг ўқув фаолияти шахсий моҳият сифатида қабул қилинадиган ўқув мақсадларига онгли равишда қаратилган бўлиши лозим. Д.Б.Елкони таъкидлайдики, ўқув фаолияти энг аввало шундай фаолиятки, унинг натижасида талабанинг (ўқувчида) ўзида ўзгариш юз беради. Бу фаолият ўз ҳолича ўзгаришдир. Унинг маҳсули, субъектнинг ўзида юз берган ўзгаришлардир. Ўқув фаолиятининг асосий мотивлари бу — ички ўқув-билиш мотивларидир. Ўқув фаолиятининг энг муҳим мотивацияси эса талабанинг бўлғуси касбига бўлган қизиқиши ва мойиллигидир. Талабанинг ўқув жараёнидаги эгаллаган билимларидан, касбий малакалари ва кўникмаларидан ҳиссий қониқиш ва ундан қувонч ҳиссини ҳосил қилиши лозим. Бундай вазифаларни ҳал қилишда ўқитиш жараёнида ўйинли технологиялардан фойдаланиш улкан аҳамият касб этади. Ўйинли технологияларда ўқитишнинг фаол методларидан фойдаланиш мулоқотнинг демократик услуби ютуқларидан фойдаланишга хизмат қилади. Бу талабаларнинг ижодий кучлари ва қобилиятини оширади.

II.2. 3-синф Ўқиш дарсларини ташкил этишда ўйин технологиялардан фойдаланиш усуллари.

Юртимизда таълим мазмунига алоҳида эътибор қаратилиб, ДТС ўқув дастурларининг янги таҳрирдаги вариантлари тажриба синовдан ўтказилмоқда, педагогик технологиялар асосида ўқув жараёнининг самарадорлиги ошириш мақсадида педагогик технологиялардан, ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланилмоқда.

Бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, билимларни кенг ва осон ўзлаштириш мақсадида педагогик технологияларнинг усул, восита ва шакллари тўғри танлаб, улардан фойдаланиш муҳим саналади. Ўқиш дарсларини ташкил этишда педагогик технологияларнинг кўпгина методларидан фойдаланилади. Бола ҳаётида боғчадан сўнг мактабнинг дастлабки даврлари муҳим ўрин тутди. Шу боис бошланғич таълим даври таълим жараёнидаги энг масъулиятли даврдир. Бу пайтда боланинг саводи чиқиши билан бирга, унинг дунёқараши шаклланади, тафаккур қилиш малакаси ривожланади. Бу даврда боланинг зеҳнини ўстиришга қаратилган ҳар бир машғулот бола ақлининг таркиб топиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу даврда, аввало, таълим жараёнини қизиқарли, таъсирли қилиб ташкил этишга, мотив ҳосил қилиш ва уни ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим. Чунки бу муддат боланинг ўйин фаолиятдан ақлий фаолиятга, яъни ўқув фаолиятига ўтганлиги билан характерланади.

Боланинг ўқув фаолиятини ривожлантиришда турли ўйинлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Болалар ўйин орқали ўз билимларини мукамаллаштирадилар ва уни чуқур ўзлаштирадилар. Шу жиҳатдан қараганда, таълим жараёнида қўлланадиган дидактик ўйинларнинг роли беқиёсдир. Дидактик ўйинлар таълим жараёни самарадорлигини оширади, таълим жараёнида ўқувчилар фаоллигини, ўқиш мотивларини ривожлан-

тиради. Ўқиш мотивлари таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Дидактик ўйинлар бошланғич синфларда таълимнинг самарали боришига ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини муваффақиятли бошқаришга ҳам катта ёрдам беради, яъни дидактик ўйинлар воситасида назарий билимлар осон эгалланади, ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишлари ортади. Дидактик ўйинлар нафақат бошланғич синфларда, балки таълимнинг кейинги босқичларида ҳам ўқувчиларнинг билимга бўлган иштиёқлари ривожига катта туртки бўлиши мумкин. Айниқса қийин ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг билиш имкониятларини оширишга бундай ўйинлар самарали таъсир кўрсатади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бошланғич синфлар учун яратилаётган ўқув қўлланмаларида шу соҳага оид материаллар танқислиги кўзга ташланиб туради.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳар бир дарсни ташкил этиш учун турли дидактик ўйинлардан фойдаланишлари яхши самара беради. Чунки 6-7 ёшли болалар ҳаётида мактаб даври анча мураккаб давр бўлиб, болалар олдида жиддий синов туради. Бола янги ҳаёт - мактаб ҳаётига кириб боради. Энди у янги жамоанинг аъзоси эканлигини ҳис этишга, интизомга бўйсунушга, янги режимга мослашишга мажбур бўлади. Бола ёш бўлишига қарамай, энди унинг мактабда ўқиш, уй вазифаларини бажариш, мураккаб материалларни ўрганиш каби зарур юмушлари кўп. Муҳими, ўйиндан мактабга, кундалик мажбурий ва давомли меҳнатга ўтиш бола ҳаётида туб бурилишдир. Ҳатто мактабгача тарбия муассасаларидан келган болалар учун ҳам бу осон кечмайди. Уйдан мактабга келган болаларга эса яна ҳам қийин. Айниқса, синфда 40—45 дақиқалик дарсда ўтириш, тинглаш ва топшириқларни бажариш, узоқ ақлий меҳнат болани тез толиқтиради. Бола мактабдан, ўқишдан совиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар болаларнинг мактабдаги ҳаётини қизиқарли ташкил этишга интилишлари, мотив ҳосил қилиш ва уни ривожлантиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Мотив ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Уни болалар ёшига ва психологик хусусиятларига мос дидактик ўйинлар ва мустақил ишлар воситасида ҳосил қилиш мумкин. Қуйда ўқиш дарсининг тахминий тузилишини келтириб ўтамиз. Дарсининг мақсади.

Таълимий мақсад:

- а) ўқувчиларнинг тўғри ва раво ёқиш малакаларини шакллантириш;
- б) матн мазмунига кўра, ўқувчиларнинг хусусиятига мос табиат, жамият ва инсон тафаккури ҳақидаги билимларни ҳосил қилиш;

Тарбиявий мақсад:

- а) ўқувчиларнинг дунёқарашларини шакллантириш;
- б) матн мазмунига кўра ақлий, маънавий-аълоқий, эстетик, жисмоний, меҳнат, экологик, иқтисодий тарбияни амалга ошириш.

Ривожлантирувчи мақсад:

- а) ўқувчиларнинг ўқиш малакаларини ривожлантириш;
- б) тез, раво, тўғри ва ифодали ўқишга ўргатиш;
- д) дунёқарашларни, ҳулқ-одоб, инсоний муносабатларни, ақлий, жисмоний ва бошқа сифатларни ривожлантириш;

Дарсни ташкил этиш:

Биринчидан, ўқитувчи ўқувчиларга дарсга қизиқиш уйғотиши зарур. Яни, мотив ҳосил қилиш: Буни дарсининг ўтган дарсни мустаҳкамлаш қисмида ва янги дарсни ўтишга тайёргарлик қисмида, бутун дарс давомида ҳам амалга оширилади. Мотив ҳосил қилишда турли дидактик ўйинлар, топшириқлар, мусобақалар ва бошқа иш усулларидадан фойдаланилади.

2-Ўқув элементи. Матнни ўқишга тайёргарлик: ёзувчи ҳақида маълумот берилади. Матн мазмуни ҳақида тушунтирилиб, ўқувчиларнинг матнга кизиқишлари оширилади. Баъзан матн мазмуни ҳақида гап бошлаб, колганини китобдан ўқиб, ўрганамиз, деб, ўқитувчи болаларнинг матнга кизиқишини оширади. Тарбиявий таъсирини кучайтиради.

3-Ўқув элементи. Матнни ўқиш ва мазмунини сўзлаш. Бунда ўқитувчи матнни ўзи ўқиб беради ва мазмунини тушунтиради ёки бу ишни ташкил этишда ўқувчилар фаолятидан ҳам фойдаланиши мумкин.

4-Ўқув элементи. Қувноқ дақиқа.

5-Ўқув элементи. Луғат устида ишлаш. Нотаниш сўзларга изоҳ берилиб, ўқувчиларнинг сўз бойликлари оширилади (бунда кўпроқ ўқувчилар фаолятини ишга солиш лозим), дунёқарашларининг ривожланишига таъсир кўрсатилади.

6-Ўқув элементи. Ўқувчилар матнни ўқийдилар. Бунда ҳам мотивни ривожлантириш учун ўқувчилар гуруҳлаштирилиши мумкин. 2 та, 3 та 4 тадан ўқувчилар гуруҳи матнни навбат билан ўқийдилар. Тўғри, равон ва ифодали ўқишга алоҳида диққат қаратилади. Шу талабларга риоя қилган ўқувчилар рағбатлантирилади.

7-Ўқув элементи. Топшириқ билан ўқиш. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқиш малакаларини ривожлантириш, ўқиганини тушуниб олишга ўргатиш учун турли машқ усулларида фойдаланади. Матн мантиқий қисмларга бўлиниб, ҳар бир қисмининг мазмунини сўзлаш топшириғи, қисмларга алоҳида сарлавҳа топиш, режа тузиш каби топшириқлар берилиши мумкин. Бу ўқувчиларнинг дунёқарашларининг ривожланиши, мантиқий фикрлашга ўрганишига ёрдам беради.

8-Ўқув элементи. Қувноқ дақиқа.

9-Ўқув элементи. Матн мазмуни устида ишлаш. Ўқувчилар матн мазмунини сўзлаб беришлари ёки турли дидактик ўйинлар воситасида мазмунни ўзлаштириши мумкин.

Масалан, «Давом эттир» ўйини: Ўқитувчи матн мазмунини ҳикоя қилишни бошлайди, бир ўқувчи уни давом эттиради. Шу тахлитда барча ўқувчиларни матн ҳикоясига қатнаштириш мумкин.

«Занжир» ўйини: матндаги бир неча сўзлар воситасида бу ўйинни ўйнаш мумкин. Ўқитувчи бошлаб бир сўз айтади, сўзнинг тугаган ҳарфидан бошланадиган сўзни бир ўқувчи айтади, шу тахлитда ҳамма ўқувчиларни ўйинга қатнаштириш мумкин.

«Тез жавоб»: Ўқитувчи ёки бошловчи ўқувчилар қатори оралаб юриб, ўқувчилардан бирини турғизади ва бирор тур номини айтади. Ўқувчи шу турга кирувчи сўз топиб айтиши лозим. Жавоб учгача санагунча айтилиши керак. Жавоб беролмаган ўқувчи ўйиндан чиқади. Ўйин токи бир ўқувчи қолгунча давом еттирилади. Бундай ўйин давомида ўқувчиларда ҳозиржавоблик, мустақил фикрлаш малакаси ривожланиб, атроф-муҳитни синчковлик билан кузатишга ўрганади, атрофдаги содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларга қизиқиши ортади. Бу ўйиндан дарс давомида ўтилган мавзуга боғлаб, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида ёки дам олиш дақиқаларида фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчи: «Ҳайвон».

Ўқувчи: «Ит».

Ўқитувчи: «Ўқув қуроли».

Ўқувчи: «Дафтар».

Ўқитувчи: «Синф жиҳози».

Ўқувчи: «Хантахта».

Ўқитувчи: «Эртаклар».

Ўқувчи: «Зумрад ва Қиммат» ва ҳақозо.

Шу каби ўйинлардан фойдаланиш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқиш мотивини ривожлантиради ва уларнинг дунёқарашларининг ривожланишига таъсир кўрсатади, ўқувчиларда топқирлик, чаққонлик, билимдонлик каби сифатларни ривожлантиради, хулқига таъсир кўрсатади. 10-ўқув элементи. Ўқувчилар билимини назорат қилиш. Назоратни юқоридаги дидактик ўйинлар воситасида ва тестлардан фойдаланиб ўтказиш мумкин.

Бошланғич синфларда “Ўқиш” фанини ўқитишнинг самарадорлиги жуда кўп омиллар билан ҳам чамбарчас боғланган. Шубҳасиз, ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ва ўқув имкониятларини ҳисобга олиш, ўқиш таълимининг мазмуни ва мақсадига мувофиқ келадиган топшириқлар тизими ҳамда методларини тўғри белгилаш, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида педагогик ҳамкорликнинг ўрнатилиши, дарсда ишга солинадиган воситаларнинг мақсадга мувофиқ танланиши сингариларнинг барчаси самарадорликни таъминлаш билан алоқадордир.

Ана шу омиллар ичида ўқиш таълимнинг мазмуни муҳим ва этакчи омил саналади. Чунки самарадорлик аввало ўқувчиларга “Нимани ўқитиш?” масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Ўқиш таълимидан ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган зарурий билимлар ҳамда шу билимларга мувофиқ келадиган малака ва кўникмалар тизими тўғри белгилансагина “Қандай ўқитиши керак?” деган саволга жавоб топиш мумкин. Демак, ўрганиладиган ҳар бир мавзу ўқувчилардан ифодали ва равон ўқишни шу асосда умумлашмалар ҳосил қилишини талаб этади. Бу ҳол ўз-ўзидан равшанки, муаммоли вазиятни юзага келтиради.

Муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган асосий восита ўқув топшириғидир. Ўқувчиларга бериладиган ўқув топшириқлари қайта хотиралаш, қисман изланувчанлик ва ижодий ҳарактерда бўлиши мумкин.

Қайта хотиралаш ҳарактеридаги топшириқлар ўқувчидан ҳеч қандай изланишни талаб этмайди. Ўқувчи ўтган дарсда ёки ундан олдинги машғулотларда ўрганилганларни фақат такрорлашдан нарига ўтмайди. Шу сабабли, бундай топшириқлар умумий топшириқлар миқдорининг атиги 25-30% ини ташкил этмоғи лозим. Қолган топшириқлар эса қисман ижодий ва ижодий ҳарактерда бўлиши керак. Топшириқларнинг қисман ижодий ёки ижодий бўлиши синф ўқувчиларининг ўқув имкониятларига боғлиқ. Агар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси паст бўлса, ўз-ўзидан топшириқ қисман ижодийга айланади. Чунки ўқувчи ё ўқитувчининг тушунтириши, ё кўрсатилган намунага қараб иш кўришга мажбур бўлади. Шунинг учун ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари кенгайиб борган сари, ижодий топшириқлар миқдори ҳам ортиб бориши керак.

Бошланғич синфларда ўқиш дарсларини турли ноанъанавий усулларда ташкил этиш педагогик технологиянинг энг муҳим талаби саналади. Давр талаблари асосида фаолият юритиш, дарсларда сифат ва самарадорликка тўлиқ эришиш, ёш авлодни ҳар томонлама ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, билимдон қилиб камол топтириш бугунги кун ўқитувчиси олдида турган масъулиятли вазифалардан биридир.

Таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш мақсадида, биз Термиз шаҳар 13-умумий ўрта таълим мактабида 3-синфлардан 3 “А” ва 3- “В” синфлари тажриба синов ишларини ўтказиш учун танлаб олинди. 3-“А”-синфи, тажриба гуруҳи, 3-“В”-синф эса назорат гуруҳига ажратилди. Биз, 3-“А”-синф, тажриба гуруҳида Ўқиш дарсини дидактик ўйинлар асосида дарсларни ташкил этдик.

Қуйида «Олтин тарвуз» эртаги асосидаги бир соатлик дарс ишланмасини хавола этамиз. **Дарс мавзуси:** «Олтин тарвуз» эртаги.

Дарс мақсади: а) таълимий мақсад: ўқувчиларга эртақнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, матнни ифодали, кетма-кетликка риоя қилган ҳолда ўқиб, гапириб беришга ўргатиш. «Атиги», «тинмай» «салқинлатиб» сўзларининг маъносини тушунтириш. б) тарбиявий мақсад: Эстетик тарбия бериш, уларни меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳрибон-ликка ўргатиш. Маънавий, маърифий, экологик, иқтисодий билим бериш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. в) ривожлантирувчи мақсад: таълимий ўйинлар орқали ўқувчиларнинг дарсда фаоллигини ошира бориб касбга йўналтириш, конституциявий билимларини кенгайтириш, кўча ҳаракати қоидаларини, ёнғин хавфсизлиги ойлиги ҳақида ўрганганларини мустаҳкамлаш. ДТСга асосан рейтинг усулида баҳолаш.

Дарснинг услуби: Ўйин, мусобақа.

Дарс жиҳози: Турли расмлар эртақлар, техника воситаси, эртақ қаҳрамонлари, «Ўзбек халқ эртақлари» китоби, «Олтин калит»лар, сеҳрли сандик, Наврўзой.

Дарсда қўлланиладиган интерфаол усуллар: «Кластер», «Ақлий ҳужум», савол-жавоб, тест, ижодий иш, «Венн диаграммаси», «Т» усулидаги мусобақа, сахна кўриниши.

Дарснинг бориши: Тайёрлов босқичи. Ўқувчилар ярим айлана бўйлаб турадилар. Ўқитувчи: - қани, ўқувчилар дарсимизга ташриф буюрган меҳмонлар билан саломлашайлик. Ўқувчилар (бир-бирлари билан кўришиб, шеър айтишади):

Омонмисиз, эсонмисиз,

Бугун бизга меҳмонмисиз.

Қани, қани, қўлни беринг,

Хуш кўрдик биз, тўрга ўтинг.

Ўқитувчи об-ҳаво ва санани, шунингдек, ўтилган мавзуни сўрайди. Болалар бўлим юзасидан такрорлаш уй вазифаси қилиб берилганлиги ҳақида айтадилар. Ўқитувчи (болалар диққатини доскадаги расмларга қаратади):

-Болалар, бугун қайси мавзу ҳақида суҳбатлашамиз. Ўқувчилар: - Эртақлар ҳақида. Ўқитувчи болаларнинг халқ оғзаки ижоди, унинг намуналари тўғрисида фикрларини эшитади. Шундан сўнг, навбатдаги топширикни беради: (ўқитувчининг қўлида турли рангдаги геометрик шакллар бўлади).

Сиз менинг қўлимдаги ранглардан танлаб оласиз ва гуруҳларга бўлинасиз. Ҳар бир гуруҳ ўзи танлаган рангдаги стол атрофига бориб ўтиради. Мен ҳар бир гуруҳга биттадан калит шаклини берман. Сиз дарс давомида олган жетонларингиз билан калитни тўлдириб борасиз. Дарс сўнгида биринчи бўлиб калитни тўлдирган гуруҳ сеҳрли сандиқни очишга муяссар бўлади ва ғолиблар учун аталган махсус совғани қўлга киритади. Ўқувчилар ранг танлайдилар ва ўз ўринларини эгаллайдилар 5 гуруҳга бўлинадилар.

Чакирув босқичи. Ўқитувчи: - Болалар, бугунги дарсимизда «Олтин балиқ», «Шолғом», «Бўғирсоқ», «Олтин калитча», «Қуёшжон» каби эртақ қаҳрамонлари ҳам қатнашишмоқда. Улар айтган топишмоқларни топиб, баллар йиғамиз ва севимли қаҳрамонларимиз расмлари орқасида яширинган сеҳрли сўзларни билиб оламиз. Навбат — «Олтин балиққа». Ҳар бир гуруҳга «**Ақлий хужум**» саволлари берилади.

1. «Ур тўқмоқ» эртагидаги чол лайлақдан биринчи марта нимани сўрайди?
2. Зумрадни ким ўрмонга адаштириб келади?

3. Чол денгиздан нимани тутиб олади?
4. Шахзода қароқчилар қўлидан қандай қутулади?
5. Нима учун эртақнинг номи «Олтин туёқли кийик» деб аталган?
6. 5 та эртақ номини сананг.
7. Латифаларнинг асосий қаҳрамони ким?
8. Эртақлар ҳақида шеър айтинг.
9. Эртақ сўзини таҳлил қилинг.
10. Меҳнатсеварлик ҳақида мақол айтинг.

Баракалла, болажонлар, топшириқни аъло даражада бажардингиз «Олтин балиқ» расми орқасида «эртақларни» сўзи пайдо бўлади. Муаммони ечиш. **«Англаш босқичи».** Ўқитувчи: - Навбат — Шолғомвойнинг топишмоғига. «Олтин тарвуз» эртагини ифодали ўқинг. Ўқувчилар навбат билан ўқишади. Ўқитувчи уларнинг ифодали ва равон ўқишини баҳолайди. Ўқувчиларга эртақ асосида режа тузиш топширилади. **Режа:**

1. Лайлакнинг қаноти синди.
2. Дехқон уни даволади.
3. Уч дона тарвуз уруғи.
4. Очкўз дехқоннинг ҳийласи.
5. Очкўзликнинг оқибати.

Луғат иши. Сизга нотаниш бўлган сўзлар маъносини қандай тушунасиз.

Атиги - бор-йўғи; Тинмай - дам олмай; Салқинланиб – шамоллаб; 1 таноб - 60х60 газ (газ – 1 м).

Ўқитувчи: - Баракалла, Шолғомнинг топшириғини бажардик. Натижада «ўқиб» сўзи келиб чиқди. Дам олиш дақиқаси. Навбат Бўғирсоққа. Биз биламизки, у йўлда қўшиқ куйлаб кетади. Келинлар, биз ҳам эртақлар ҳақида қўшиқ куйлайлик.

Ўқувчи: Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан.

Ўқувчи: Бўри баковул экан, тулки ясовул экан.

Тизилиб учади	Қаноти узун	Қуш
Кузда учиб кетади	Лайлак	Оппоқ
Баҳорда учиб келади	Тумшуғи узун	Чиройли

Ўқувчиларнинг ишлари баҳоланади. Олтин калит орқасидан «яхшилардан» сўзи келиб чиқади. Навбат Капалакнинг топишириғига. Гуруҳ сардорлари қуёшжоннинг нурларида яширинган тестларни бажарадилар;

1. Эртақ нима?
 - а) Халқ оғзаки ижоди намунаси; б) шеър; в) ҳикоя
2. Бир сутка неча соат?
 - а) 20 соат; б) 12 соат; в) 24 соат
3. Қиш фасли қайси ойлардан иборат?
 - а) январ, феврал, март; б) декабр, январ, феврал; в) март, апрел, май.
4. «Ассалому алайкум» сўзининг маъноси нима?
 - а) аҳволингиз яхшими б) сизга соғлиқ тилайман; в) сизга тинчлик, соғлиқ тилайман;
5. Бир йилда неча ой бор?
 - а) 12 та б) 10 та в) 3 та

Топшириқ бажарилгач, капалакнинг орқасидан «олинг» сўзи пайдо бўлади. Ўқитувчи: - Баракалла, болажонлар, бу бизнинг олтин тарвузимиз.

Хўш, сиз унинг ичидан нима чиқишини истайсиз? -Болалар ўз фикрларини айтиб, изоҳлайдилар.

Ўқитувчи: - Жуда яхши, келинг, уни ёриб кўрайлик-чи. (Тарвуз модели 2 га ажратилади, унинг ичидан «ибрат» сўзи ёзилган карточка чиқади) Ўқувчилар «ибрат» сўзининг маъносини изоҳлайдилар.

Дарсни якунлаш. Ўқитувчи: - Демак, болалар, бугун ўқиш дарсида биз ўзимиз ўқиган эртақ қаҳрамонларининг топшириқларини бажариб, баллар йиғиб, калитимизни тўлдирдик ва яширинган сўзлардан ҳикматли ибора туздик. Келинглр, уни биргаликда ўқиймиз.

Болалар жўр бўлишиб ўқийдилар: - «Эртақларни ўқиб ҳар вақт, яхшилардан олинг ибрат».

Ўқитувчи: - Баракалла, болажонлар, энди мавзу асосида чизиб келган расмларингизга эътиборингизни қаратаман. Уларни баҳолаймиз. (Шу пайт бир гуруҳнинг калити баллар билан тўлганлиги тўғрисида маълум қилинади) - Болалар, энди шу калит билан сеҳрли сандиқни очамиз. Сандиқ ичидан Наврўзой чиқади ва фаол қатнашган болаларга турли совғалар улашади.

Ўқитувчи: - Бугунги дарсимизда барча ўқувчилар фаол қатнашдилар. Уларни тўплаган балларига кўра баҳолаймиз. Уйга вазифа қилиб «Олтин тарвуз» эртаги ҳақида ижодий иш ёзиб келиш топшириғи берилади. Шундай қилиб, дарсимиз тугади, барчангизга фаол иштирокингиз учун катта раҳмат. 3-“В”-синф назорат гуруҳида бошланғич синф ўқитувчиси ўқиш дарсларини доимгидек ташкил қилди.

Ўқитувчиларга дидактик ўйинларни дарсларда қўллаш асосида ўқувчиларнинг билим даражасини ривожлантиришнинг ижтимоий, педагогик ва психологик жиҳатлари хусусида қўшимча илмий-назарий маълумотлар берилиб, дидактик ўйинлар асосида ташкил этилган дарсларнинг видео роликлари намойиш этилди.

3-“А”-синф тажриба гуруҳида дарсларда дидактик ўйинларни кўлланилганлиги бошланғич синф ўқитувчиларининг мазкур йўналишдаги педагогик саводхонлик даражасининг ривожланиб бораётганлигини улар билан олиб борилган ишлар мазмунида кўзга ташланди ва аниқланди. Олиб борилган эксперимент таҳлил натижаларига кўра танланган, 3- “А” синф тажриба гуруҳи, 3- “В” синф назорат гуруҳи самарадорлик даражаси кўйдагича аниқланди. 3- “А” синф тажриба гуруҳи, жами: 24 нафар.

5-балл-8 нафар

4-балл-12 нафар

3-балл- 3 нафар

2-балл- 1 нафар, натижаларга кўра самарадорлик 75 % ни ташкил қилди.

3- “В” синф назорат гуруҳи, жами: 25 нафар.

5-балл-7 нафар

4-балл-10 нафар

3-балл- 6 нафар

2-балл- 2 нафар натижаларга кўра самарадорлик 65 % ни ташкил қилди.

Олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасидан кўриниб турибдики, дарсларни кўпроқ дидактик ўйинлар асосида ташкил этилиши натижасида ўқувчиларнинг самарадорлик даражаси ўсганлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Демак, ўқувчиларнинг билим даражасини ривожлантиришда дидактик ўйинлардан фойдаланиш ўзига хос педагогик шароит ва махсус ташкил этилган таълим жараёнини талаб этади.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Таълим жараёнида ҳозирги кунда дарсларда дидактик ўйинлар ва педагогик технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи ва талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари чиқаришларига ўргатади.

Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи ва талаба асосий шахсга айланади. Шунинг учун бошланғич таълимда таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланишнинг ўрни ва роли каттадир. Дидактик ўйинлар ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини ортириб, уларни билимли, етук кўникмага эга бўлишларини таъминлайди. Термиз шаҳридаги 13-мактабида олиб борилган тажриба синов ишларидан келиб чиққан ҳолда қуйдагича хулосаларга келинди.

Биринчидан, таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланиш ижтимоий зарурат ҳисобланиб, бу жараёнда бошланғич таълимда ўқитиладиган фанлар алоҳида ўрин тутаяди.

Иккинчидан, бошланғич синфларда дидактик ўйинларни қўллаш ва таълим муассасаларидаги педагогик жараёнда улардан самарали фойдаланиш кутилган натижаларни беради.

Учинчидан, бошланғич синфларда олиб бориладиган ўқиш дарсларида дидактик ўйинлар ва ноанъанавий шакллардан мунтазам фойдаланиш ўқувчиларнинг билим ва малакаларини ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, бошланғич синфларда дидактик ўйинларни қўллаш, жараёнида ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади. Ўз вақтида ўқувчи-ўқитувчи-ўқувчилар орасида таълимий алоқалар ўрнатилади.

Бешинчидан, ўзаро ахборот бериш, олиш, қайта ишлаш орқали ўқув материали яхши эса қолади. Ўқувчида ўзаро мулоқотга киришиш, фикр билдириш, фикр алмашилиш, ижодий қобилият ва билим кўникмалари шаклланади. Ўқув жараёнида - ўқувчининг ўз-ўзига баҳо бериши, танқидий қараши ривожланади.

Олиб борилган тажриба синов натижаларига асосланиб, таълим самарадорлигини оширишда ўйин технологияларидан фойдаланиш учун қуйидаги **тавсияларни** тақдим этиш мумкин:

- ўқувчиларни дидактик ўйинлар ҳамжиҳатлик ва интизомлилиқни тарбиялашга ёрдам бериши;
- ўқитувчи, ўқувчиларни дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ўз фикрини эркин билдириши;
- ўқув жараёнида ўқувчиларни билимга бўлган қизиқишлар доимийлигини таъминлаши;
- ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;
- мактаб ўқитувчилари жамоасида дидактик ўйинларни ривожлантириш бўйича таълим муассасаларида устоз-шогирд тизимини ривожлантириш асосида тажрибалар алмашиш;
- педагог ва ўқувчи, талабаларнинг доимо ҳамкорликдаги фаолияти ташкиллаштирилиши борасидаги мавжуд мазмунини, шакл ва методлари тизимига инновацион ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 40 б, 1992 йил.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон, тараққиётининг пойдевори.// Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” –Т.: “Шарқ”, 1997 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1994 йил.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси –Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан.- Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 116-б.
6. Каримов И.А. Ёшларимиз-халқимизнинг ишонч ва таянчи.-Т.: “Маънавият”, 2006 йил.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008 йил.
8. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
9. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси”, 1993 йил.
10. Бошланғич таълим журнали. 5-май, 2008 йил, Тошкент -2008
11. Бошланғич таълим журнали. 6-июн, 2008 йил, Тошкент -2008
12. Бошланғич таълим журнали. 8-август, 2011 йил, Тошкент -2008
13. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. -Тошкент, 2006.
14. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. -Тошкент, 2004.
15. Йўлдошев Ж, Йўлдошева Ф, Йўлдошева Г. Интерфаол таълим сифат кафолати. –Т., 2009 йил.
16. Каримжонов И.А. ва бошқ. Янги педагогик технологиялар. –Т.:, 2002.
17. Кенжабоев А, Эргашева О, Кенжабоев Ж. Педагогик технологиялар дарс самарадорлигининг муҳим омили. –Т.: “Наврўз”, 2012 йил.
18. Мавлонова Р, Тўраева О. Холиқбердиев К. Педагогика. Т.: “Ўқитувчи”, 2008.
19. Мавлонова Р. Педагогика.-Т.:, 2000 йил
20. Мавлонова Р., Вохидова Н., Рахмонқулова Н., Педагогика назарияси ва

тарихи.- Т.: “Фан ва технология”, 2010 йил.

21. Олимов Қ.Т., Саидахмедова М.С., Жалолова Д.Ф., Бозорова М.Қ., Болтаева М.Л., Алимов А.А.. Педагогик технологиялар. Т.: “Фан ва технология”, 2011 йил.

22. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.:, 2003 йил.

23. Саидахмедов Н.. Педагогик технологиялар.-Т.: “Фан”, 2006 йил.

24. Голипов Ў. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари.-Т.: “Фан”, 2006 йил.

25. Фарберман Б.Л. Педагогик технологиялар.-Т.:, 2000 йил.

26. Хошимов К. Педагогика тарихи.-Т.:, 2005 йил

27. www.pedagog.uz.

28. www.ziyonet.